

25 январда Ўзбекистонда Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари бошланади

Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Жалқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг газетаси

23 ЯНВАРЬ, ШАНБА № 16 (521). 1993 йил. Сотувда эркин нархда.

ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИ МИНСКДА УЧРАШИШДИ

МИНСК. ПАТА-ТАССнинг хабар қилишича, МДХ мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг 22 январь кuni эрталабки мажлисида Президентлар билан Бош вазирлар қисқа вақт ичида кун тартибини тасдиқладилар.

Учрашувда Президент Исрол Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси қатнашмоқда. Кун тартиби учрашув арафасида Ташқи ишлар вазирлари билан МДХ ишчи гуруҳи қандай тайёрлаган бўлса, уша ҳолда ўзгартирилган бўлиши мумкин.

Эрталабки мажлис давомида учта масала кўриб чиқилди. Биринчи масала давлатларaro банк барпо этиш тўғрисидадир. Учрашув қатнашчилари бу масала бўйича битимга эришдилар. Иккинчи даражали йккита банд истисно этилиб, бу бандларни пишиқтириш экспертларга топширилди. Қимматбаҳо қоразор бозорини тартибга солиш тўғрисида ҳужжат имзоланди.

Қолган вақтнинг ҳаммаси МДХ низоми лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланди. Қизғин торти-

шувлардан кейин янги ҳужжат ишлаб чиқишга қарор қилинди. Ҳозирча бу ҳужжатнинг номи йўқ. Аммо унда МДХ мамлакатларининг истисносиз ҳаммаси Ҳамдустликдаги аҳволдан ташвишланаётгани ва МДХ ичидаги муносабатларни тартибга солишга кўмаклашадиган ҳужжатни қабул қилиш зарур деб ҳисоблаётгани тўғрисида гап боради. Бу ҳужжат Ҳамдустликнинг ҳозирги аҳволдан қутулишга ёрдам бериши, бинобарин, биринчи галда интисодий муаммоларни амалда ҳал этишга кўмаклашиши лозим. Экспертлар ана шундай ҳужжатни тайёрлаб, уни давлат ва ҳукумат бошлиқлари муҳокамага тақдим этадилар деган қарорга келинди. Агар бу ҳужжат ҳаммани қаноатлантирса, шу бугуноқ имзоланади.



Исрол КАРИМОВ:

Бир ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак: Ўзбекистон тақдири — бу Қорақалпоғистоннинг ҳам тақдиридир. Ўзбек халқининг келажаги — қорақалпоқ халқининг ҳам келажагидир.



НОНДАЙ ЯХЛИТ ИҚБОЛИМИЗ, ЕРИМИЗ

Убиний АШИРБЕКОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси

Яқинда Ҳофизнинг девонини эварақлаб ўтириб, шундай мисраларга кўзим тушиб қолди: «Дўстлик дарахтни ўтқазсанг, ширин-шарбат мева берур, душманлик бутунни қирқмасанг, бир кун фалокат келтирур».

Бу мисралар XIV асрда ёзилганлигига қарамастан, кунги кеча айтилгандай таассурот қолдиради, бутунни кунда ҳам янада аҳамиятли, унда қанчалик донолик бор, деб ҳайратланасан киши. Инсон ҳаммаша дўст меҳрини кўсайди. Меҳр бўлма-са, одамларни бirlаштириш ҳам қийин.

Худди шундай, бу дунёда қорақалпоқлар манжуд экан, ўз кўшнилари билан ҳаммаша дўст, қону қариноқ бўлиб келишган. Қонимиздаги бу хислатни шу кунгача ҳеч ким биздан тортиб ололмаган ва ҳеч қачон тортиб ололмайди. Қорақалпоқларнинг бошқа халқлар билан дўстлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу минг йиллардан буён аён ҳақиқатдир. Қорақалпоқлар билан ўзбекларнинг дўстлигига аса қадим тарих гувоҳ.

Исрол Каримов алоҳида аҳамият берди. Маданий алоқаларимиз тарихини кўздан кечирганда ҳам кўплаб ёқимли воқеалар гувоҳи бўлишимиз мумкин. 1922 йилда Ўзбек шoirи Х. Ҳ. Ниёзий Қорақалпоғистонга келди ва Хўжайли шаҳрида мактаб-интернат очади. Бу бизнинг юртимиздаги биринчи билим ўчоғи эди. Ҳамза ёш авлодга фақат сабоқ бериш билан чекланмай, халқ орасида санъатнинг гузал турларидан бири — театрни ташвиқ қилади ва унга қизиқиш уйғотади. Шу даврда биринчи марта ўзининг «Вой ила хизматчи», «Майсаранинг иши» драмаларини сахнадаштиради, халқи мизининг ўзбек маданияти билан яқиндан таништиради.

Ҳамза бошлаб берган дўстлик йўлини бирин-кетин Ўзбек ёзувчи ва шoirлари Ойбек, Гафур Ғулום, Миртемир давом эттиради. Айтгандай, уларнинг кўплари ўз вақтида Қорақалпоғистондан сайланган Ўзбекистон ва собиқ Иттифоқ Олий Кенгаши депутатлари эдилар.

Ҳамза бошлаб берган дўстлик йўлини бирин-кетин Ўзбек ёзувчи ва шoirлари Ойбек, Гафур Ғулום, Миртемир давом эттиради. Айтгандай, уларнинг кўплари ўз вақтида Қорақалпоғистондан сайланган Ўзбекистон ва собиқ Иттифоқ Олий Кенгаши депутатлари эдилар.

«Дўстларим, сизларни кўнглим хуш бўлмас, Баримиз бир боғнинг булбулларимиз, Сиздан бошқа илҳом менга эш бўлмас. Нондай яхлит иқболимиз, еримиз».

(Давоми 2-бетди).



Утган йили декабрь ойида Нунус шаҳрининг 60 йиллик тантаналари кунларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси У. Аширбеков Туркиянинг «Яксис» корпорацияси ва қорақалпоғистонлик акционерлар ҳамкорлигида фуриллаётган тўқимачилик мажмуи кўришиш майдонларида бўлишди. Бу ҳақдаги репортажнинг газетанинг 1-3-бетларида ўқиниң.

Б. АЛЛАШЕВ олган сурат.

ФАХРИЙЛАР ЭЪТИБОРДА

Усмои Юсупов туманида иккинчи жаҳон урушида иштирок этган 50 нафар фахрийга томорча ажратилди. Уларнинг шахсий машинага ва бўлганлари энди ойига 50 литрдан бепул бензин ҳам олади.

Туманда 34 нафар ёшлар қария бўлиб, уларга ҳолидан хабар олиб турадиган махсус хаширалар бeриштирилган. Фахрийлардан 40 кишига ишлаб турган уйлари шахсий мулк қилиб берилди.


МОЗИЙШУНОСЛАР ҚАРОҒОҶИ

Далвар Зиятепа қадимда буюк қушонар салтанатининг пойтахти бўлган. Сурхондарёнинг шимолий шарқида жойлашган бу шаҳардан Буюк ипак йўли ўтган. У ердан топилаган жаҳонга машҳур олтин буюмлар, нодир топиқалар шаҳарнинг нақадар бой бўлганидан дарак беради.

Фан оламили ҳали кўп ҳайратга солажак бу ёдгорлик ёнида моziшунослар учун қароргоҳ барпо этилди.

МАНФААТДОРЛИК ОШИРИЛГАЧ

Бойсуи туманидаги «Сайроб» давлат хўжалиги асосан хўжалик билан шуғулланади. Хўжалик ҳар йили қўйчиликдан икисодий зарар кўраётган эди. Қўй-очкилар чуқонларга, икара пудрати асосида бўлиб берилгач, ишга муносабат ўзгарди. Улар тўлини кўпайтиришга, озуқани тежаб ишла-тишга кўпроқ эътибор берадиган бўлишди. Янгилик хўжаликка ҳам, чўпон-чўликларга ҳам моддий манфаат келтирди. (ҒаА).



Қорақалпоғистон Республикаси Жуғрофий ўрни

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг шимолида, Амударё этакларида жойлашган. У шимол ва шимоли-ғарб томондан Қозоғистон, шимоли-ғарб ва ғарб томондан Туркменистон, жануби-ғарб томондан Хоразм вилояти, жануб ва жануби-шарқ томондан Бухоро вилояти билан чегаралаш.

Худуди

Қорақалпоғистон 164,9 минг кв. км. майдонни эгаллаган. Бу Ўзбекистон худудининг 37 фоизини ташкил қилади.

Аҳолиси

1992 йил 1 январдаги маълумотга кўра республика аҳолиси 1310,7 минг кишини ташкил қилади. Зичлиги бир кв. км. га 7,9 кишига барабар. Аҳолининг 634,7 мингги шаҳарларда, 676 мингги қишлоқларда яшайди. 1:81 йилга нисбатан кўпайиш 7,5 фоиздан иборат.

Ўзбекистон меҳнат қилган бўлса эди

НОНДЕК ЯХЛИТ ИҚБОЛИМИЗ, ЕРИМИЗ

(Боши 1-бетда)

Меҳнатшар ўзбек халқи бўлган меҳр-муҳаббатини ўз асарларида тасвирлаб келган ва келатган қорақалпоқ ижодкорларининг оқсоқоллари Жўлмира Оймиров, Хўжабек Сейтов, Бойниёз Қайназаров, Тошқин Сейтов, Тулепберган Қайиберганов ижодий йўлини қўйлаб истеъдодли еш ижодкорларимиз давом эттиришмоқда.

Маданият кўларининг ўтказилишига ҳукумат томонидан яқиндан амалий ёрдам кўрсатилиши, бу бизнинг маданиятимизга хурмат ва эҳтирอมдир. Қорақалпоғистон маданиятининг янада гуллаб-яшнаши йўлида бўлаётган бундай раҳматлик учун ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз.

Ўзбекилар ва қорақалпоқларнинг азал-азалдан илдизлари бир — уларни оқ-кўнгиллик, самимийлик, тўғри сўзлик ва меҳмондўстликлари боғлаб туради. Маданий алоқаларимиз қадимдан ниҳоятда чуқур томир отган. Масалан, «Ал-помини», «Ошиқ Ғариб» достонлари яқин ҳақнинг ҳам огазини икки ҳисобланади. Ўзбек инжиги Арслон, қорақалпоқ қизи Гулзийон обрларини орқали «Қирқиз» достонига дўстлигимизни қўйилган. Шунинг учун қорақалпоқлар ўзбеки «ўз оғам» дейди. Замонавий қорақалпоқ адабиётининг асосчиларидан бири Бердақ «Навоийни ўқиб саводим чиққан» деганда тўла ҳақ эди. Чунки у Алишер Навоийни ўзининг руҳий устози деб билди. Қорақалпоқлар учун Бердақ қанчалик қадри бўлса, Навоий ҳам ушанча қадридир, яъни, Навоийни ўқиганлар бирорта қорақалпоқ йўли, деб айтса, лоф қилганга бўлмас. Шу билан биргалайда бугунги кунда ўзбек ёзуви ва шoirларининг қўлгина асарлари қорақалпоқ тилида жарангламоқда. Айни кунларда фаннинг, адабиётнинг, санъат ва халқ ўрнатилишини гуллаб-яшнашида ўзбекистонлик оғаларимизнинг ёрдами бекис бўлмоқда. Маданиятимиз тарқатишда Мухтор Ашрафий, Мутал Бурҳонов, Сулаймон Юлқов, Фаттоҳ Назаров, Насим Хонимов, Мукаррама Турғубоева, Галия Измайлова, Лизахоним Петросова сингари ўзбекистон малаини ва санъати юлдузларининг хизматлари тахсинга саавордир. Уларнинг йўлларини ўзбекистон ижодий эълоқларининг давом эттиришда, таниқил давом эттиришда, Малик Қанонов, Элёр Эшмухамедов, Баҳодир Музаффаров, Шухрат Аббосов, Анатолий Қобулов Қорақалпоғистонда кини санъатининг ривожланишига катта раҳматлик қилмоқдалар.

Ўзбек халқининг елкадошини туйғайли Қорақалпоғистонда кўпгина таниқил санъаткорлар етишиб чиқди. Халқ артистлари Шомурот Шамуратов, Гулпарини Сирриёбетова, Тамара Дошмуова, Қувватбой Абдурайимов, Махсуд Хонимов, Отажон Худойшукуров, Нажиматдин Анастобов, Мирзагул Сафонова, композиторлардан Худойберган Турдиқулов, Абдурайим Султонов (марҳум), Нажиматдин Мухаммадинов, Ғани Демисонов, рассомлар Кауидер Бердимуротов, Жоллибой Изентаев, Жўлдасбек Қўтимуратов ва бошқалар шулар қумласидандир.

Ўзбек китобхоналари қорақалпоқ халқ ижодининг ёрқин намуналари бўлган «Қирқиз», «Шерийер», «Маспатша» асарлари билан танишишга муяссар бўлдилар. Ўзбекистонда Аббос Дабиров, Соҳиб Нуримбетов, Асан Бегимов, Жўлмира Оймиров, Тулепберган Қайиберганов, Ибройим Юсупов каби ёзувчиларимиз ҳамда шoirларимиз яқин билишди. «Қорақалпоқ фольклори» 20 томликнинг чоп этилиши эса маданий турмушимизда улкан воқеа бўлди.

Тошкент шаҳри қорақалпоғистонликлар учун улкан маданий маркази ҳисобланади. Бу ерда бизнинг ёш авлод таҳсил олиш билан бирга ҳар хил ҳунар, насб, маданият ва санъат сирларини ўрганишмоқда.



Бугунги кунда миллатимиз оддий ҳунармандидан тортиб таниқил академикгача ўз устозларини шу ерда деб ҳисоблайди. Айниқса, бизларга миллий қадрларни етказиб беришда Маннон Уйғур номли Тошкент санъат институтини, Мухтор Ашрафий номли ўзбек давлат консерваториясини, Абдулла Қодирий номли маданият институти ва кўпгина ўқув юрталарининг хизматлари катта бўлмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, Тошкент шаҳрининг ушбу ўқув юрталарининг профессор ва ўқитувчиларига ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз.

Сўнги йилларда Қорақалпоғистон маданияти тинимсиз ўсиб ривожланмоқда. Айтадиган бўлсак, Бердақ номли давлат театр сахнасида «Ажиниёз», «Майсаранинг иши», «Алексо» номли опералар саҳналаштирилди. «Айқулаш» номли қўшиқ ва рақс ансамбли Чехословакияда бўлиб, қизиқарли концерт программаси билан эътибор қозонди. Сўнги пайтларда бизнинг театрларимиз репертуарлари А. Бегимов ва Т. Аллазаровнинг «Ошиқ Ғариб», А. Уталиев, М. Нишоннинг «Ерназар Олакўз» М. Нишоннинг «Ички дунёнинг қурбонлари», К. Матмуродовнинг «Беш кунлик дунё» каби пьесалари билан бойини, улар томошабинлар томонидан яқин кутиб олинди. Яқин орада В. Шекспирнинг «Юлий Цезар» трагедиясини қорақалпоқ иш-

қибозлари эътиборига ҳавола этмоқчимиз. С. Хўжаниёзов номли ёш томошабинлар театрида ёш талабтанилган В. Жаневнинг «Ота тақдир», Ж. Хонимовнинг «Койнотдан келган меҳмонлар», А. Алламуродовнинг «Арқон узилганда» П. Айтуровнинг «Суюнчи» пьесалари томошабинлар томонидан илқ кутиб олинди. Яқинда қайтадан ташкил этилган «Қирғиш» театри К. Каримовнинг «Ориқ мерган» спектакли билан иш бошлади. Бир қанча муддат олдин «Аму тўқинлари» давлат филармониясининг жамоаси Бухоро вилоятининг Қони-мех ва Томди районларида ўзларининг қизиқарли концерт программаларини намоийн этишди.

Қорақалпоғистонда, шунингдек, бир қанча санъат турлари ҳам яқин ривожланмоқда. Айниқса, Қорақалпоғистон халқ рассоми Қ. Бердимуродовнинг, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Бердақ номли давлат мукофотининг соҳибига Ж. Қўтимуротовнинг ҳайкалтарошлик бўйича яратган асарлари қимматлидир. Ёғоч ва тошдан яратилган бир қанча санъат асарлари муаллифлари Ж. Тўлағанов ва Д. Туратовнинг номилари омма орасида янада танилди. Давлат мукофотининг соҳибига Ж. Изентаевнинг «Қорақалпоғистон шoirлари», «Шарқнинг уч юлдузи», «Умид йўлида», Б. Серекеевнинг «Ғризар Олакўз», «Қизил уй», «Овул болалари» каби рангташарида яратган асарлари миллий санъатимизнинг ютуқларидан ҳисобланади.

Биз бариш кун мобайнида Тошкент шаҳрида маданият ва санъат устозларимизнинг асарларини ўзбек халқига тақдим этиш бораборада ўз устозларимиз олдига ўзига ҳоқ имтиҳон топишаримиз. Шу билан биргалайда бу маданият кўларини яна бир марта таълим қиларимиз орасидаги дўстлик, бирлик, тинч-тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонамиз. Маданият кўларини буладиган Ўзбекистон маданияти ароблари билан учрашувлар, фикр алмушувлар қорақалпоқ маданиятининг янада ривожланишида муҳим бир босқич бўлиб ҳисобланади.

Бугун қомил ишонч билан айтишим мумкинки, Қорақалпоғистонда Ўзбекистон ҳукуматиининг ҳамда Президент Ислам Каримовнинг қўллаб-қувватлаши натижасида иқтисодий, маданият бундан кейин ҳам жадал ривожланади. Биз яна шунинг ҳеч вақт эсдан чиқармаймикин, бундай ютуқларга фақатгина бирлик, дўстлик, орнатилишга эришиш мумкин, чунки кўп миллатли, кўпшилик мамлакатимиз сингари музмот ўлка ҳеч қаерда йўқ.

«Халқ тарқоқ бўлса, тўғрийд, бирлашса гуллайдир», «Ҳақиқий дўст ўла-ўлғунча дўст, ёлғон дўст кўнга бормайди», дейди доно халқимиз. Ушбу сўзларни унутмаган ҳолда бизлар ўзбек халқи билан бир жону бир тан бўлиб, мангу бирликда яшаймиз.

ИНТИЛИБ КЕЛДИК СИЗГА...

Бугунги кунда ёш истеъдод соҳибларини кўриб қувонсан, киши. Бизнинг Сафар Хўжаниёзов номлида қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри мисолида бунинг яқин ҳис қилиш мумкин. Мана 15 йилдир, театримиз жамоаси халққа манзур бўладиган асарлар яратиб, фидойилик билан меҳнат қилмоқда. Театримиз сахнасида дастлаб ижодий фаолиятини бошлаган кўпгина ёшлар бугун таниқил санъаткор бўлиб етишдилар.

Утган йил сермаҳсул бўлди. Айниқса, С. Жўлмировнинг «Одамлар қандай бузилади?», Ж. Махмудовнинг «Яланғоч қирол» пьесаларини томошабинлар эътиборидан билан кўриб олдилар. Бу пьесаларнинг театримизнинг бадиий раҳбарини Н. Особоев саҳналаштирди. Шунингдек, театримиз актери Қ. Холму-

ролов яратган «Кўнглик кўланаси» драмасини эса режиссёр А. Ефремов саҳналаштирди. Утган йилда иншонланган пьесаларининг 60 йиллик байрами унутилмас таассуротлар қолдирди. Бу санага халқимиз ўзларининг ҳаёлоқ меҳнатлари билан муносиб соғалар тайёрладилар. Ушбу таънада



Бор гап, аммо ишонинг келмайди. Яқиндагина бу ерда, Нукуснинг жанубидида бепойиб бўшлиқларда зъфарон тусдаги музроқ барханлардан бўлак ҳеч нарса кўзга ташланмасди.

Энди эса, худди ердан ўсиб чиққандек, ажойиб тўқимачилик мажмуи /бинилари қад ростлаб туририди. Булар ҳақида оштин қамлик қилади, уларнинг кўрмоқ керак. Ўзбекистон Жумҳуриятининг миллий байроғи рангига бўялган бинилар гўё зангори осмон билан ўйғунлашиб кеткендек.

— Бу цехлар — жумҳуриятининг янгила юзи, мен ҳамма нарсадан кўра кўпроқ шуларнинг ташвишини қиламан, — деб таъкилади Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ишонч мажмуининг тўқув фабрикасига тўғилган журналистларнинг саволларига жавоб қайтарган экан. — Единоғида бўлса, Туркияга биринчи сафарим чоғида муҳим шартномаларга асос солинган эди. Мана энди улар мева бера бошлади. Дарҳақиқат, Президентнинг Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ рассоми Қ. Бердимуродовнинг, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Бердақ номли давлат мукофотининг соҳибига Ж. Қўтимуротовнинг ҳайкалтарошлик бўйича яратган асарлари қимматлидир. Ёғоч ва тошдан яратилган бир қанча санъат асарлари муаллифлари Ж. Тўлағанов ва Д. Туратовнинг номилари омма орасида янада танилди. Давлат мукофотининг соҳибига Ж. Изентаевнинг «Қорақалпоғистон шoirлари», «Шарқнинг уч юлдузи», «Умид йўлида», Б. Серекеевнинг «Ғризар Олакўз», «Қизил уй», «Овул болалари» каби рангташарида яратган асарлари миллий санъатимизнинг ютуқларидан ҳисобланади.

Депутатларнинг дил сўзлари

Меҳр кўзда дейдилар


Ғани ХОЖИЕВ, Тўртқўл райони ҳокими, Ўзбекистон халқ ноибини: Яқинда Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида республикамиз Президентининг пурмаъно маърузасини, айниқса унда айтилган: «Каримов ҳам ва у таянган халқ ҳам миллатчилик кўчасидан ўтмаган ва ўтмайди ҳам» деган эҳтиросли сўзларни қарсақлар билан олқийшлаган эдик. Ана шу қарсақлар садоси сўниб улгурмасдан яна бир қувончли тарихий воқеа рўй берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Фармони билан Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти Нукус шаҳри Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан таъдирланди. Шаҳарнинг 60 йиллик таянчаларида она юртимиз — ғўзал Тошкентдан тортиб, то Орол бўйларига қадар манокандаги барча вилоятларнинг вақиллари фаол иштирок этдилар. Бугун биз яна бир қувончли воқеанинг гўвоҳи бўлиб турибмиз. Ўзбекистон давирда Қорақалпоғистон маданияти кўларини бошланмоқда. Санъаткорларимиз, шоирлар ёзувчиларимиз бир неча кун мобайнида меҳнат кашлар ҳузурда бўлиб,

уларни ўз ижод намуналарини билан таништирадилар, қилинаётган хайрли ишлар, ҳозирги кун мураккабликларини қандай бартараф этаятганликларини, иккала қардош халқ ўртасидаги алоқаларини янада мустаҳкамлаш истиқболлари ҳақида ширин сўхбатлар кўрадилар. Бу айни муддаодир. Зотан, меҳр—кўзда, дейдилар. Биз қанчалик кўп дийдорлашиб турсак, орттирган тажрибаларимиз, хурсандчилиги ютуқларимиздан боҳалбар бўлсак, бамаслаҳат иш турсак, бир-биримизга меҳримиз шунчалик товланаверади. Улкан маданий анжуман ниҳоятда самимий, жонзибали, шавқ-заъқ билан ўтишига тилакдошман.

Умиғбахш репортаж

БАҲОРНИ ОЛИБ КЕЛГАН ҚАЛДИРҒОЧ



мажмуи Ўзбекистонга кўндалди имкониятларини берди: Бир килограмми пахта 1,1 доллар ўрнига АҚШнинг 10 долларига сотиш; уруғлик пахтадан олинган тоналани 30 фоиз кўпайтириш; тола узунлигини камидан 1,5 миллиметрга узайтириш ва шу тариқа пахтанинг бозор нархини қарийб 15 фоиз ошириш.

Жаноб Юраклининг тушунтиришларини тинглар эканман, 1992 йил июлининг бошида Тошкентда у билан учрашувимиз яқинда бўлди. Ушбу кезларда ривожланишнинг туркча модели қизғин мунозараларга келинган эди. Жаноб Юракли ўша пайтда бу масалани, гарчи у ўз мамлакатидеги туб иқтисодий ислохотларнинг энг фаол иштирокчиларидан бири бўлса-да, муҳокама қилишдан бош тортган эди. Ҳозир у ўзини фақат ишбилармон киши дея

ҳисоблаб, сўхбат мавзусини тижорат масалаларига бурдиди. Унинг куйидаги фикрини қандай талқин қилмоқ керак? «Бизнинг корпорациямиз шерик ҳисобига бойини инкор этади. У тенга-тег юқори фойда олишни кўзлаб шерик билан ҳамкорликда ҳаракат қилади. Шу бонсдан биз ҳам ашёни пировард маҳсулотга айлантириш имкониятини бера оладиган лойиҳаларини тавсия эта-миз».



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИ

Қорақалпоғистон худудига қорақалпоқлар 1811 йилда Хива хони томонидан Сирдарё этакларидан кўчирилган. 1873 йилда ўзгир-ғоқ Қорақалпоғистонни чор Россияни босиб олган. 1917 йил декабрда совет ҳокимияти ўрнатилган. 1918 йил апрелдан Туркистон АССР таркибига кирган. 1920 йил февралда фуқаролар уруши тугаган. Хива хонлиги тасарруфидан қолган қақир-ғоқ Қорақалпоғистон 1920 йил апрелда Хоразм халқ республикасига қўшилган. Миллий-давлатчилик ҳаракатлари туйғайли Қорақалпоғистон бирлаштирилди ва 1925 йил февралда Қозоғистон АССР таркибиде Қорақалпоғистон автоном вилояти ташкил топди. У 1930 йил июлидан РСФСР таркибига кирди. 1932 йил мартда Қорақалпоғистон АССР ташкил топди ва 1936 йил декабрда Ўзбекистон ССР таркибига кирди. 1991 йил 26 июлда Қорақалпоғистон суверен бўлди ва Қорақалпоғистон Совет Республикаси деган расмий ном олди. 1992 йил 9 январдан Қорақалпоғистон Республикаси деб аталади. У Ўзбекистон Республикаси таркибидадир.

Мустақил Ўзбекистон учун хом ашёни тайёр маҳсулотга айлантириш иқтисодий сисабат бериш биринчи даражада масалага айланди. Ўзбекистон Президентининг сўзига қараганда, тайёр, тўрироғи, тоғав маҳсулот беридаган ишлаб чиқариш бўлими жумҳуриятда энг босқич бўлибди. Чунки нотугал технологияли ишлаб чиқариш халқ ҳўжалигининг де-

арли ҳамма соҳаларда етакчи ўринни эгаллайди. Бинобарин, жумҳурият катта меҳнат ва моддий ресурсларни сарфлаган ҳолда асосан хом ашё ва ярим-фабрикатлар сотади, салмоқли фойда ва бюджет тушумлари эса давлатдан ташқарида қолади. Жаноб Юракли тилга олган рақам ва ҳисоб-китоблар Ислам Каримовнинг боиси шунда. Президентнинг қатъий ишоничи, нафақат жумҳуриятда, балки жаҳон бозорига ҳам сотиш мумкин бўлган маҳсулотларини ишлаб чиқариш бизнинг асосий вазифамиз бўлиб қолмоғи керак. Бундай ишонч биз, аввало, хоржий шериклар билан биргаликда қимматли хом ашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ривожлантиришмоғимиз керак.

ОШ ТАЪМИНИ ТУЗ БИЛАН

Олти ой мобайнида тинимсиз ишлаб, бир ярим миллион сўм маблағ сарфлаб, йўлини битказди. Айни пайтда Красноводек туз заводига бориб, уларнинг иш фаолияти билан танишдик. Маълум бўлишича, Каспий денгизининг сув сатҳи кўтарилиб, унинг қирғоқларида жойлашган туз заводи сув остида қолган экан. Улар билан келишиб, ускуналарини пароходдаги юк кўтарувчи кранлар билан ечиб олдик ва заводимизга келтириб қурдик.

Заводимиз ҳали бир ёшқа ҳам тўлган йўқ. Қисқа фурсат ичида 10 миң тоннадан зиёд тузни тоғларнинг сифатли ташкин рувич маҳсулоти лабораторияга юбориб, унинг аъло даражада эканлигини аниқлади. Заводимиз ҳали бир ёшқа ҳам тўлган йўқ. Қисқа фурсат ичида 10 миң тоннадан зиёд тузни тоғларнинг сифатли ташкин рувич маҳсулоти лабораторияга юбориб, унинг аъло даражада эканлигини аниқлади. Заводимизда 3 сменада 110 киши меҳнат қилади. Ҳар сменада 150 тоннага яқин туз чиқарилди. Жамоада фидойиллик билан меҳнат қилаётган Давлатбой Оймиров, Тенгел Боветдинов, Бўронбой Сайфуллаев, Жангабой Сейтмбетов, Нишом Раҳметовларнинг номини барча хурмат билан тилга олади.

Абдуқодир ТУРСУНБЕКОВ, корхона директори.

Yabok Korxonalarida ishlayotganlar

ЕКИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ

ТУРКИЯНИНГ «ЯЗЕКС» КОРПОРАЦИЯСИ ЕРДАМИДА

ОВРУПОНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ БОЗОРИГА КИРИБ

БОРАЕТГАНИ ҲАҚИДА

«Язекс» турк корпорацияси билан ҳамкорликда тикланб, энг замонавий ускуналар ўрнатилган бу ажойиб тўқимачилик мажмуининг республикамиз учун кенг миқдосли аҳамиятини тўла баҳолаш бугунги кунда бирмунча қийиндир.

Жаноб Юракнинг маълумотомасидан:

Урнатилган ҳамма ускуна ва тизимлар тармоқ технологиясидаги энг сўнгги ютуқлар бўлиб, Узбекистонга хорижий тайёр маҳсулотлар бозорига Туркия, Покистон, Бразилия каби пахта экиладиган мамлакатлар сизга 8—10 йилда эмас, балки бир йил ичида кириш имконини беради.

Ишбилармонлар оламида машҳур топармон жаноб Юракни менга ҳозиргача қилинган ишлар ҳақида сўзлаб берди, — деди Узбекистон Президенти ишпогани кўздан кечириш чоғида. — Шунинг алоҳида таъкидлашга истардимки, турк шерикларимизнинг бу ишларини бизга берилган, Ердам сифатида эмас, балки тенг ҳуқуқли шерикларнинг ҳамкорлигидаги узаро фойдали фаолият сифатида қабул қилмоқ керак.

Фойда эса тайин. Мана, ўзингиз мушоҳада қилинг: — Дикқат қилдингизларми, — деди Исом Абдуғаневич атрофдагиларга, «Язекс» корпорациясининг президенти билан учрашиб, у билан суҳбатлашганга мўъжасар бўлди.

Жаноб Тўрғай Живар ўзини сизгадан узоқ бонесмен эканини аслагиб, ўз ҳамкорлари билан доимо биргаликда ишлаб келганини таъкидлаб ўтди. Бунинг учун фирманing таърифи ва имконияти етарли. Фирма араб мамлакатларида фаолият кўрсатиб, мукаммал таърифи тўплаган. Шунинг ҳам айтиш кераки, янги комплекснинг мутахассислари ва бошқарувчилари ҳам Туркия ва Италияда малака ошириб қайтарилди.

Янгилиги, арзонлиги билан қўйил қолдирадиган баъзи лойиҳалар бўларди. Аммо улар пировардида қимматдан тушиб, қурилиш тўхтаб қолган эгандек ҳўлиб кетарди. Бу ерда энг қизғин шуки, ҳамма нарса аниқ равшан: ҚУРИЛИШ 1992 йил 19 АПРЕЛДА БОШЛАНГАН, ШУ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАСИДА ЭСА ТЎҚИМАЧИЛИК МАХСУЛОТИНИНГ ДАСТАВБИ ТУРКУМИ ХОРИЖГА ЖўНАТИЛАДИ.

Жаноб Юракнинг маълумотомасидан:

1993 йил давомида қиймати АҚШнинг 12 миллион долларига тенг маҳсулот экспорт қилинади. Шу маънода маркетинг ишларининг кўп қисми амалга оширилди. Корхона куришишга кетган маблағ эса ўн икки ой давомида қопланади. Бу қутилмаган ҳўлда қўрилади.

Ишпоганининг пахта тозалаш фабрикасини айланб юрар эканми, 50 та чет эл дастгоҳи бирваракайига шига туширилганда уларнинг ишлаш нараидан хайратга тушибди. Бу замонавий ускуналар энг сўнгги нухсадаги маркалар бўлиб, ҳар кун қўлда терилган 86 тонна пахта тўла баҳолаш бериб қўйилганга эга экан.

Нукус шаҳрида юбилей тантаналари тўғрисида, «Язекс» корпорациясининг президенти билан учрашиб, у билан суҳбатлашганга мўъжасар бўлди. Жаноб Тўрғай Живар бундай деди: — Бу ерда ишлаш биз учун жуда завқли. Маҳаллий халқнинг бизга бўлган ҳўрмат-эътибори нисбатини янада ташкил қилди. Ишпоотда ишлаётган ишчиларнинг малакаси ҳам етарли. Моҳир

ларини олиш, бади кўркам шаҳарчалар қуриш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва маҳаллий кадрлардан етишиб чиқадиган малакали мутахассисларни тарбиялаш ҳам демекдир.


Жаноб Юракнинг маълумотомасидан:

Ишпоганини ушбу лойиҳаси республика сановатда янги ишлаб чиқариш технологияси ва бошқариш тизимини жорий қилиш имконини берибди. Шу тариқа ГАРБ дўниси ва Узбекистон ўртасида мавжуд технология қўйиллар барҳам топаётди. Комплекс маҳаллий кадрлар қўмонидан бошқарилади. Улар бизнинг мутахассислардан таълим олганлар. Бариси янги тизимдаги тўқимачилик ишларини ташкил қилди. Бу эса сизларнинг мамлакатингиз учун жуда зарурдир.

Комплекс билан танишув асосида табиий бир саноат тўғрисида: бундай қўйил қурилмаларини қимлар бошқаради. Уларни юргизиш учун ишчиларимизнинг малакаси етарлими? Бу борада ташкилчиларимиз ҳам бўлади. Чет эллик ҳамкорлар бизга ишонганида, акс ҳўлда Нукусга бундай янги мўракаб қурилмаларни жўнатилмаган бўларди.

Нукус шаҳрида юбилей тантаналари тўғрисида, «Язекс» корпорациясининг президенти билан учрашиб, у билан суҳбатлашганга мўъжасар бўлди.

Жаноб Тўрғай Живар бундай деди: — Бу ерда ишлаш биз учун жуда завқли. Маҳаллий халқнинг бизга бўлган ҳўрмат-эътибори нисбатини янада ташкил қилди. Ишпоотда ишлаётган ишчиларнинг малакаси ҳам етарли. Моҳир



СУРАТЛАРДА: тўқимачилик саноати мажмуи қурилишидан лавҳалар.

мутахассислар мўракаб технологияси жараёнларини тез ва енгил илғаб олмақдалар.

Суҳбатдошимиз ўз навбатида Узбекистон Республикаси раҳбарининг бу комплекс ўзига хос университет эканлиги, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, пахта ни қайта ишлашдан тортиб, тайёр маҳсулотга айлантирувчи бўладиган жараёнларни мукаммаллаштириш маркази бўлиб қўлини ҳақидаги фикрларига қўшилди. Комплекс лойиҳасида ҳам мутахассисларни ўқитишга кўпроқ эътибор берилган. Шунинг учун бу ерда таълим олиш учун Узбекистоннинг ҳамма вилоятларидан ёшлар тақдир этилмоқда.

Жаноб Тўрғай Живар ўзини сизгадан узоқ бонесмен эканини аслагиб, ўз ҳамкорлари билан доимо биргаликда ишлаб келганини таъкидлаб ўтди. Бунинг учун фирманing таърифи ва имконияти етарли. Фирма араб мамлакатларида фаолият кўрсатиб, мукаммал таърифи тўплаган. Шунинг ҳам айтиш кераки, янги комплекснинг мутахассислари ва бошқарувчилари ҳам Туркия ва Италияда малака ошириб қайтарилди.

Бундан маъсад шуки, маҳаллий кадрлар мўракаб ишлаб чиқариши бошқаришда, халқаро стандартлар даражасида иш юри-

тишда қўйналмасинлар. Яна бир муҳим масала. Комплексида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни жаҳон бозорига харид қилишадими? Мен шу савол билан Германиядаги таъкид фирмалардан бирининг эгаси — жаноб Клаус-Дитер Кёнингга мўрожаат қилдим. (Бу жаноб кейинчалик бу комплекс билан ҳамкорлик қилиш истаганида). У қўйидаги жавобни берди:

— Бу ерда қўрилганларининг ҳаммаси Европа бозори стандартлари даражасида. Пахта тўласининг сифати яхши. Технология ҳам яхши. Мутахассислар эса етарли малакага эга. Бундан қўрилдики, маҳсулот сифати юқори даражада бўлади. Демак, унга талаб ҳам юқори бўлади.

Яқин-қўрилларда Узбекистон собиқ Иттифоқда четга маҳсулот чиқариш бўйича учинчи ўринни эгаллаб келарди. Албатта, бу асосан пахта сотиш билан белгиланарди. Эндиликда Нукусдаги янги тўқимачилик комплекси жаҳон бозорига хом ашё эмас, тайёр маҳсулот чиқариш имконини беради. Бу бизга ҳақиқий баҳорни олиб келган биринчи қадирғочдир.

Юрий РЯЖЕНЦЕВ, «Народное слово» ва «Халқ сўзи» газеталарининг махсус мухбири.

ЯНГИЛИКЛАР ОҚИМИДАН

ХАЙРЛИ ТАДБИР

● МАНГИТ халқ истеъмоли моллари фабрикаси ва Амударё район маҳаллий саноат корхонаси меҳнат жамоалари учун янги йил хайрли бошланди. Маъмур корхоналар меҳнат жамоаларининг ҳўрми билан ҳўссадорлик корхонасига айлантирилди.

Яқинда корхонада шу масала юзасидан умумий йилги бўлиб ўтди. Унда — Узбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва хўсусийлаштириш қўмитаси бўлим мудирининг ўринбосари Дилшод Ҳодиев, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва хўсусийлаштириш қўмитасининг раиси Халимбек Зариев, фабрика директори Сафарбой Тиловолов ҳўссадорлик жамиятининг бурч ва вазифалари, унинг афзалликлари тўғрисида гапирдилар. Амударё райондаги маъмур иккала корхона Қорақалпоғистон Республикасидаги янги иқтисодий сўвсат — хўсусийлаштиришнинг илк қадирғочини бўдилар.

«ОРОЛ ФЎЖИАСИ» ИНГЛИЗ ТИЛИДА

● ЯҚИНДА публицист адиб ва журналист Григорий Режинченковнинг «Орол фўжиси» китобини «Новости» нашрияти инглиз тилида чоп этди.

Бундан беш йил муқаддам «Помир» ва «Новый мир» журналлари томонидан ушотирилган «Орол—88» илмий экспедиция кўпчилигининг асида бўлса керак. Маъмур китобда муаллиф ўзи иштирок этган ана шу сафар таассуротлари ҳақида сўз юритади.

ИШҚ БОШҚА, ҲАВАС БОШҚА

● НУКУСДАГИ 23-микрорайонда «Давр» маънавий хўзмет кўрсатиш уюмида бўйдоқлар танишув клуби очилган. Бунда бир қанча йилгит-қизлар танишиб, юлдўзи-юлдўзига тўғри келганлар бахтли оила қўриқиб қўрилди. Ҳақида «Қорақалпоғистон ёшлари» газетасида хабар қилинган эди.

Ҳаммаси шундан бошланди. Газета редакциясига Нукус районидан «Қаттиғор» жамоа ҳўжалигида яшовчи Озод исми йилгитнинг аввал мактуби, сўнгра ўзи келди. Унинг қўлида қандайдир журнал бўлиб, муқоъзасида чиройли створдесса қизнинг сурати бошланган эди. «Илтисомим ҳам, талабим ҳам шу, — дейди Озод. — Менга шу қизнинг ўзини ёки шунга ўхшашган створдессани топиб беринлар!»

Оволининг айтишича, у танишадиган қиз фақат створдесса бўлиши керак экан. Редакция ҳодимлари бу фойбона ошқининг «Давр» маънавий хўзмет уюмида танишув клубига жўнатишди. Лекин у ердигилар ҳам бунинг уюмидан қўншомади. Қалби муҳаббатга тўла Озод шу кўнларда ҳамон редакцияга илтисом ва Утинч тўла мактублар жўнатишдан чарчамапти.

Юрий РЯЖЕНЦЕВ, «Народное слово» ва «Халқ сўзи» газеталарининг махсус мухбири.



Бугунги НУКУС.

ОЛМОНИЯЛИКЛАР ТУҲФАСИ

● ОРОЛБЎНИ даволаш муассасалари ол- олмонийликларнинг 38 тонна хайри юқини қабул қилиб улгурмасданюқ Нукус аэропортига яна бир юк самолёти келиб қўлиди.

Бу сафар у саломатлик учун зарур 50 тонна доридордан ва бошқа тақчил моллар келтирди. Шу кунини ушбу туҳфалар Олмония вакиллари ҳамроҳлигида касалхона ва поликлиникаларга жўнатилди.

МАНЗУР БЎЛСА АЖАБМАС

● БЕРДАК номиданги давлат мусақали театри артистлари маданият кўнлари пойтахтликларга қатор спектакллари кўрсатишди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК саноат усталари Тошкент театллари сахналарида драматург К. Матмуротовнинг «Шаҳриёр» эпосини, Ж. Шомуротовнинг «Ғариб ошқ» мусиқали комедиясини, Горининг «Геростратни унутти» пьесасини пойтахт ақли ва меҳмонлари эътиборига ҳавола қилишмоқчи. Бундан ташқари, театр репертуаридан «Алеко» номли рус классик операси ҳам ўрин олган. Аммо санъаткорлар уни тўла кўрсатишга ҳозирча жўрват эта олмалиқларини таъкидлашди. Шунга қарамай, томошабилар операдаги ассий арияларини тинглайдилар.

20 ЖИЛДЛИК ХАЗИНА ВА САНЪАТ АСАРЛАРИ КўРГАЗМАСИ

● ЎЗБЕКИСТОНДА қорақалпоқ маданияти кўнлари мобайнида Тошкентда китоб кўргазма савдоси ушотирилди.

БЕРДАК номиданги республика давлат мукофотиға тавсия қилинган муаллифлар жамоаси яратган 20 жилдлик «Қорақалпоқ фольклори» асари ҳам ана шу кўргазмадан жой олади. Унда қорақалпоқ халқ оғзаки иқоди илдири намуналари жам этилган. Бундан ташқари, кўргазмага И. В. Савицкий номиданги республика санъат музейининг 90 га яқин асарлари намойиш этиш учун қўйилди. Бу асарлар қорақалпоқ элнинг ёш ва табиқили расомлари, ўймакор ва ганчкорларнинг ранг-тасвири ва ҳайкалтарошлик ишларидан иборат. Муаллифларнинг кўпчилиги тошкентлик таъсиринг санъат мухлисариға таниш эмас. Кўргазма Қорақалпоғистон ва унинг халқини ҳамда урф-одатлари ҳақида томошабиларда ёрқин таассурот уйғотади.

Жавоҳирот сандиғи

ЯНГИ ЧИҚҚАН

ОЙГА УЧ

МАРТА САЛОМ...

Қорақалпоқ халқи қандан таваббатга, эзалиқликка, кўзи ўткир кишиларга ишониб келган. Бу халқда таваббатга оид авлодан-авлодга ўтиб келган қандайдир қанча крим бор. Уларнинг айримлари одаларнинг ҳар қил насалликларга дучор бўлишдан, тасодифлардан сақланиб, бошқалар дарадан тазорқ халқ бўлишиға ёрдам қилган (албатта, илҳос бўлса).

Асрлар бўйи яшаб келётган бу ирмаларға ишониб-ишонмаслик ҳар қилнинг ўз эътиқоғиға ҳавола.

Қирқ чилласидан чиқмаган гўдак ҳўзурига янги, хом гўшт олиб қирилмайди, эглик қизамиқ чиқади.

Бола ухлаган пайтида ёстигининг остига нон, пире, хом гўшт қўйилса, чўчимайдиган бўлади.

Ташқи эшик тепасига ёки кўриларни ерга шишага мўрч солиб, қийиқчага туз тутиб ёки саримсоқ лиёв олиб қўйилса, ҳонадонингизни кўз тегишдан сақлайди.

Болага эркак кишининг кўзи теккан бўлса — танази совийди, аёл кишининг кўзи теккан бўлса — иссиғи чиқади.

Кўз теккан, ичи ўтган ёки киндик қичқирадиган боланинг киндикни чимчилаш, бурш керак. Ҳар бургандан: «мен ҳам қайтдим, сен ҳам қайт» деб тақорланади.

Уйдан ўлик чиқётган пайтида болани кўтариб тўриш керак, бешиғида ухлаб қолмасин.

Болани қирқ чилласида ювинтирган сувни оёқ босмайдиган жойга тўпиш лозим (масалан, тандир ичига).

Мол, қўй, тўвуқ ва ҳоназорлар сўйилганда бошини қўйла томонга қаратиб қўйилди.

Улик чиқмай туриб бош ювиш, қирқ ювиш мўмкин эмас. «Бош юванган, бошиниға давоқ тўшади, қирқ юванган, ўлик киришинг сувиға ботади», дейдилар.

Ҳайит кўнлари қирқ ювиш ман этилади. Лекин ўша кўнларни соч ювиш сабабдир.

Улик ётган ўринга етти кунга қадар ёки қирқга — шама ёдур чироқ ёкиб қўйилди. Марҳумнинг руҳи, юни шунгача ўша жойда кезиб юради, дейишди.

Қўён йили туғилганлар кўнлари, қўй йилида туғилганлар қўйни сўйишмайди.

Ортиб қолган оғзақни тўқмоқчи ёки ит ялогига қўймоқчи бўлсангиз, уни қозон билан обориб тўпиш мўмкин эмас. Бошқа бир идишга қўйиб, чиқариб тўпиш керак. Акс ҳўлда ҳонадоннинг риқи қетади, тўқилади, деб ҳўсбалашади.

Учоққа ёқиб учун ичкарига киргизилган ўтиннинг ортиб қолган ташқарига чиқаришмайди. Унинг ўти ўлади (ҳўжалик қурийд) деб ирим қилишади.

Шаҳар ҳўқими дейдики...

ДўСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

Бугунги Нукус кейинги йиллар ичида таниб бўлмаган даражада ўзгариб кетди. Мўхбиримиз шу ҳўлда шаҳар ҳўқими Шароф Уснатдинов билан учрашиб, ҳамсуҳбат бўлди. Шароф оға асли журналистдан чиққанлиги боис суҳбат асосида савол бериб, йўналишини белгилаб туршиға эҳтиёж бўларди.

— Яқинда бўлиб ўтган Узбекистон Олий Кенгашининг XI сессияси арафасида республика Президенти Исом Каримов вилоят, шаҳар ва районларнинг ҳўқимлари билан учрашиб, маҳаллий ҳўқимиятлар олдига турган вазифалар тўғрисида суҳбатлашди. Шунда Исом Абдуғаневич бозор иқтисодиётига ўтиш бизнинг шароитимизни ҳисобга олган ҳўлда бошқача-бошқача бўлиши айтиб ўтдилар. Ўтиш даври алаҳқачон бошланган. Энди мўмкин қадар икбийий силкишларни кенгайтириш ва тезлаштиришимиз керак. Эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш лозим.

Лекин айни мўракаб даврда ҳам бизнинг шаҳримизда қурилиш ишлари мадал суъратлар билан давом этмоқда. Қисқа фурсат ичида қурилиб, фойдаланишга тоширилган троллейбус депоси, кабелъ заводи, ун комбинати, Узбекистонда энг қувватли бўлган бўғхона қурилишининг биричи навбати, Радио уйи, Қизилкетан посёлкасида 266 ёрилли янги мактаб бинолари ташқарининг дадиллиги, Қолавернинг 13-дорихона, педагогика билим юрти, қон қўйиш станцияси, Давлат қури-



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

МАЪМУРИЙ — ҲУДУДИЙ БУЛИНИШИ

Қорақалпоғистонда 15 туман бор. Булар: Тўртқўл, Элиққалъа, Беруний, Бузатов, Амударё, Хўжайли, Ленинобод, Шуманай, Нукус, Қўнғирот, Мўйноқ, Келгайли, Чимбой, Қораўлак ва Тахтақўпир. Шунингдек, республикада 12 шаҳар, 15 шаҳар тизимидаги посёлка ва 103 овул мавжуд. Пойтахти — Нукус шаҳри, 221 минг аҳоли яшайди.

ХАЛҚ ҲўЖАЛИГИ

1991 йилда республикада 328504 тонна ғалла, 285789 тонна пахта, 98159 тонна қанча вазирикларни, 13742 тонна гўшт, 35211 тонна сўт, 51519 минг дона туҳум тайёрланган эди. Бир сигирдан соғилган сўт миқдори 1840 кг. илн ташкил қилган. Қўнлоқ ҳўжалиги учун бирмунча оғир кетган 1992 йилда 275 минг тонна пахта, 271 минг тонна гўрч ва 36,4 минг тонна сабзавот ҳамда бошқа дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Депутатларнинг гул сўзлари

Оғатой ОДИЛОВ, Тахтақўпир районидан «Тахтақўпир» ижара ҳўжалиги раиси, Узбекистон халқ депутати:

— Узбекистон Республикаси ўз ҳудудида яшайётган барча халқлар ва элатларнинг гуллаб-яшнаши, тинч ва осойишта яшашининг мустаҳкам гарови бўла олади. Бунга умумхалқ муҳокамасидан кейин қабул қилинган Асосий Қонунини мисол келтириш мўмкин.

Конституцияда Узбекистон ўз тарихига кирувчи Қорақалпоғистон Республикасининг мақомини таъ олади ва унинг суверенитетини муҳофаза этади. Ўз-

моқда, Хукувий давлатни ташкил этиш йўлида дадил қадимлар ташлаётган Табиқили, олдимизда турган улкан вазифаларни амалга ошириш учун тинчлик,

БИРЛАШГАН ЎЗАР

бекистон ва Қорақалпоғистоннинг ўзаро муносабатлари ҳар йили республика ўртасида тузилмадан шартномалар ва келишувлар асосида тартибга солинади. Шубҳасиз, бу бизнинг тарихий бирлигимиз ва қон-қардошлигимизни акс эттирувчи оқилона ҳўлосадир.

Президентимиз Исом Каримов таъкидлаганларидек, Узбекистонимизда чинакамниға маданият демократик республика шакллана бошлади. Қатор иқтисодий ислохотларни амалга оширишга киришилди. Фақат Қорақалпоғистоннинг ўзида турли соҳалар бўйича ўнлаб хорижий фирмалар, қўйма корхоналар фаолият кўрсат-

хотиржамлик ва барқарорлик керак. Бирлашган ўзар, деб беҳуда айтишмайди. Аҳиллик, июқлик, тотувликни истиқбол йўлини ёритиши мўмкин. Демак, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, ана шу йўналишдаги саъй-ҳаракатларга эрк бериш керак. Худого минг қатла шукрки, Узбекистонда осойишталик. Ўзбек, қорақалпоқ ва бошқа халқлар оғанидек бўлиб ишлаб келмоқдалар. Ўзбекистон Республикасида бўлиб ўтадиган қўрилларнинг маданияти кўнлари мана шу йилдлик бирдорлигини кўчатиришга хўзмет қилади, деб умид қиламан.

